



**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТИ  
АБДУРАСУЛОВ МУҲАММАДАЛИ МУЗАФФАР ЎҒЛИ**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада муаллиф томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган далиллардан фойдаланишнинг қонунийлиги устидан самарали прокурор назоратини ташкил этишнинг асосий масалалари, ушбу тадбирларни ўтказиш қонунийлиги мезонлари ва олинган далилларга қонуний тус бериш (легаллаштириш) жараёнлари, батафсил ўрганилади, прокурор назорати асосий йўналишлари, прокурорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиқ берилади, ҳамда шунинг асосида ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар.** Прокурор, назорат, назорат предмети, қонунийлик, қонунийлик мезонлари, тезкор-қидирув тадбир, ТҚТ ўтказиш асослари, далиллар, далилларни мустаҳкамлаш.

**АННОТАЦИЯ**

В статье автором подробно рассматриваются основные вопросы организации эффективного прокурорского надзора за законностью использования доказательств, полученных в ходе оперативно-розыскных мероприятий, критерии законности проведения подобных мероприятий и процессы легитимации полученных доказательств, раскрываются основные направления прокурорской проверки, права и обязанности прокуроров, а



также на этой основе предлагаются соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию правоприменительной практики.

**Ключевые слова.** Прокурор, надзор, предмет надзора, законность, критерии законности, оперативно-розыскное мероприятие, основания проведения ОРМ, доказательства, закрепление доказательств.

### Abstract

In the article the author discusses in detail the main issues of the organization of effective prosecutor's supervision over the legality of the use of evidence obtained during operational search activities, the criteria for the legality of such events and the processes of legitimizing the evidence obtained, the main directions of the prosecutor's inspection, the rights and duties of prosecutors, and on this based on the proposed proposals and recommendations to improve law enforcement practices.

Ўзбекистон Республикасининг Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ “Тезкор-қидирув фаолияти, ушбу қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚТ ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир”. Яъни, Тезкор-қидирув фаолияти вазифалари асосан ТҚТни ўтказиш орқали ҳал қилинади.

ТҚТ–муайян тактик мақсадларга эришишга йўналтирилган ўзаро муштарак ҳаракатлар тизимидир. Ҳозирги пайтгача ТҚТ “тезкор-қидирув чоралари” атамаси билан ниқобланган бўлиб, фаолиятни амалга оширувчи органларнинг ёпиқ идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган эди.

ТҚФ тўғрисида ги қонунда биринчи марта ушбу фаолиятга хос бўлган ТҚТ нинг тўлиқ рўйхати қайд этилган. Шунингдек, Қонуннинг 15-моддасида ТҚТни ўтказиш асослари, 16-моддасида эса уларни ўтказиш шартлари ўз аксини топган бўлиб, авваламбор, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи ТҚТ истисно тариқасида ва прокурор



санкцияси асосида, фақат оғир ва ўта оғир жиноят аломатлари бўйича, қачонки бошқа йўллар билан зарур маълумотларни олиш имконияти бўлмаган ҳоллардагина ўтказилиши белгиланган.

ТҚТни ўтказишдан мақсад–жамиyat ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва очиш, яширинган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларни қидириш билан боғлиқ тезкор-тактик вазифаларни ҳал этиш ҳисобланади.

ТҚТ фаолиятнинг асосий принциплари бўлган қонунийлик; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; конспирация ва ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги принциплари ҳамда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; инсонпарварлик ва адолат; тезкор тайёргарлик; хужумкорлик; тезкор вазиятни таҳлил қилиш асосида тезкор-қидирув ҳаракатларини башорат қилиш, режалаштириш, ҳамкорлик қилиш каби хусусий принциплари асосида амалга оширилади.

ТҚТ ТҚФнинг таркибий қисми бўлиб, муайян тактик вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи ўзаро муштарак ташкилий ҳаракатлар тизимидан ташкил топади. Ташкилий ҳаракатлар деганда, муайян ТҚТни режалаштириш, тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш, натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилишни ўз ичига оловчи бошқарув ҳаракатлари тушунилади.

Тезкор-қидирув ҳаракатлари ТҚТнинг ички мазмунини ташкил этади. Ушбу ҳаракатлар асосий ва ёрдамчи ҳаракатларга бўлинади:

1. Асосий ҳаракатлар–тайёрланаётган, содир этилаётган ва содир этилган жиноятларнинг барча иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг жинoий ҳаракатларини фoш этиш билан боғлиқ ахборотни олишга қаратилган.

2. Ёрдамчи ҳаракатлар–фақат мақсадга эришиш учун зарур бўлган шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:



- тезкор вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ўзгариши эҳтимолини башорат қилиш;

- кучлар (иштирокчилар)нинг ҳисобини олиш, уларга йўл-йўриқ бериш, зарур уст-бош, ниқоблаш ҳужжатлари, махсус техник воситалар билан таъминлаш;

- мўлжалланган тадбирни ўтказишни таъминловчи афсоналар ишлаб чиқиш, тегишли шароитлар яратиш;

- далиллар тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминловчи усуллар ишлаб чиқиш.

ТҚТ объекти–жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ва содир этган шахслар, шунингдек, терговдан, суддан яширинганлар, жазо ўташдан бўйин товлаганлар ва бедарак йўқолганлар. Бундан ташқари, уларга алоқадор воқеа ва ҳодисалар ҳамда криминал унсурлар тўпланадиган жойлар ва ҳ.к.

Шу билан бирга, “ТҚФ тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси иккинчи қисмида қайд этилган махсус объектлар доираси ҳам мавжуд бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар, ўз ваколатлари доирасида, қуйидаги қарорларни қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплаш мақсадида ТҚТни ўтказишга ҳақли:

- давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш тўғрисида;

- ТҚФда иштирок этишга рухсат бериш ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида;



- ТҚФни амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар билан ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ёки бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳақида.

ТҚТ субъектлари) муайян ТҚТни ўтказишни бевосита ташкил этувчилар (тезкор ходимлар, тезкор бўлинма раҳбарлари); б) ТҚТни ўтказишга жалб қилинганлар (кўмаклашувчи шахслар, мутахассислар, операторлар, жамоатчилик вакиллари ва ҳ.к.).

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш қуйидаги ҳолларда қатъиян тақиқланади: тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этган субъектлар хавфсизлигини таъминлаш имконияти бўлмаганда; тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда кўмаклашаётган шахсларнинг ошкор бўлиб қолиш хавфи мавжуд бўлганда<sup>1</sup>.

Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг предмета қўйидагилардан иборат:

- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишлиги;
- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиби;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги;

<sup>1</sup> Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари. – Т.: “IMPRESS MEDIA” МЧЖ, 2015. Б. 89-93



- тезкор-қидирув фаолияти натижаларида аниқланган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни процессуал қонунчилиги асосида қайта текшириш ва расмийлаштиришнинг қонунийлиги.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.
2. Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари.
3. Алексеев А.И., Синилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. –М., 1973.
4. Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. –М.: Юрид. лит., 1991.
5. Белкин Р.С. Курс криминалистики. 1 т. –М.: Юрид. лит., 2001.
6. Бобров В.Г., Лукашов В.А., Смирнов С. А. Введение в курс «Оперативно-розыскная деятельность органов внутренних дел». –М., 1990.